

Автотранспорт воситалари ва машина механизмлар  
билан хизмат кўрсатиш  
ШАРТНОМАСИ № 1/0522

« 19 » Май 2022 й.

Янгиер ш.

Биринчи томондан «Ховос ТЙФУК» келгусида «БУЮРТМАЧИ» деб номланиб, амалдаги Низом асосида иш юритувчи корхона раҳбари Ш.Шеркулов ва иккинчи томондан “Зилол Янгиер” МЧЖ келгусида «БАЖАРУВЧИ» деб номланиб, ўз Низомига кўра фаолият кўрсатувчи корхона раҳбари А.Усеинов ўзаро келишиб ушбу шартномани туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. «БАЖАРУВЧИ», «БУЮРТМАЧИ» буюртмасига кўра машина механизм ва автотранспорт хизматини кўрсатади. «БУЮРТМАЧИ» эса кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар учун тўловни амалга оширади.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. «БУЮРТМАЧИ» қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Объектда автотранспорт ва машина механизм хизматларини кўрсатиш даврида, техник саволларни, ҳар хил камчиликларни ҳал қила оладиган ягона жавобгар шахсни тайинлайди.

б) «БУЮРТМАЧИ» автотранспорт ва машина механизм ажратиш учун олдиндан талабнома беради ёки томонлар махсус келишган усул асосида хизматларни бажарилишини талаб қилади ва ушбу хизматлар учун пул маблағлари тўлайди.

в) Ишлаб чиқариш ёки автотранспорт ва машина механизм хизматларини кўрсатиш пайтида зарурат туғилса, «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»га ўзининг захирасида бўлган ёки ўз ҳисобидан учинчи шахсдан олган ҳолда, ёнилғи мойлаш материаллари, озиқ-овқат, техник қаров ишлари хизмати, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳуқуқига эга ва «БАЖАРУВЧИ» ушбу ёнилғи мойлаш материаллари нархини тақдим этилган ҳисоб варақлар асосида уч иш куни ичида қабул қилиб, белгиланган тартибда расмийлаштириб, кейинчалик ўз ҳисобидан кўрсатган автотранспорт ва машина механизм хизматлар ҳақидан айириб «БУЮРТМАЧИ» билан ўзаро ҳисоб-китоб қилади.

2.2. «БАЖАРУВЧИ» қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Объектда ишларни бажариш ҳамда автотранспорт ва машина механизм хизматларини кўрсатиш даврида техник, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига, юк, ташишда белгиланган маршрутдан четга чиқишларга ҳар қандай қонунчилик меъёрларидан четга чиқишларга тўлиқ жавоб беради.

б) «БУЮРТМАЧИ» буюртмасига асосан техник жиҳатдан соз ва бутун машина механизм ҳамда автотранспорт воситаларини ажратади ва буларга жавобгар шахсни тайинлайди.

в) «БАЖАРУВЧИ» ўз механизатор ва ҳайдовчиларига хизмат ҳақи, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, озиқ-овқат, техник қаров ишлари хизмати, эҳтиёт қисмлар билан таъминлайди.

### 3. ШАРТНОМА БАҲОСИ

3.1. Шартноманинг тахминий қиймати амалдаги нархда 300 000 000 (уч юз миллион) сўмни ташкил қилади.

3.2. Шартнома қиймати очик ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар ва норматив ҳужжатларга асосан ўзгариши мумкин.

3.3. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳисоблаш учун лойиҳавий нархлар асос қилиб олинади.

### 4. ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. «БУЮРТМАЧИ» бажарилган ишларни тасдиқлаган бирламчи ҳужжатларига (ТТН, маълумотномага) асосан «БАЖАРУВЧИ» реестр тузади ва «БУЮРТМАЧИ» га ҳар ойнинг 1-санасигача ҳисоб-фактура орқали тақдим қилади

4.2. «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»нинг ёзма талаби бўйича ойлик кўрсатилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб тўловни амалга оширади.

4.3.Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар нарх-наволарнинг ўзгариши муносабати билан ушбу шартномага тарафларнинг келишув баённомаси орқали лойиха-смета ҳужжатларидан чиқмаган ҳолда белгиланган тартибда қўшимча ва ўзгаришлар киритилади ва тўловлар амалга оширилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлардан бири ўз мажбуриятини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса мулкий жавобгар ҳисобланади ва натижада келтирилган зарарни қоплаб беради.

«БУЮРТМАЧИ»: Кечиктирилиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.01 фоизи аммо кечиктирилган сумманинг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

«БАЖАРУВЧИ»: Ишларни бажармаган ёки хизмат кўрсатмаган ҳолларда кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи, аммо кечиктирилган сумманинг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## 6. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ

6.1.Шартнома томонларнинг имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

6.2.Шартномани кучини йўқотиш ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар бўйича эътирозларни якунига етказиб ҳал қилиш учун таъсир қилмайди. Шартномани ўзгартириш,қўшимча киритиш томонларни ўзаро келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади.

## 7. ШАРТНОМАНING БЕКОР ҚИЛИНИШИ

7.1.Мазкур шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин: «БУЮРТМАЧИ»тўловларни амалга оширишга қодир бўлмай қолганда;

«БАЖАРУВЧИ»: шартномада кўрсатилган хизматларини ўз вақтида ёки керакли ҳажмида бажармаслиги оқибатида, «БУЮРТМАЧИ»га ушбу хизматларнинг аҳамияти қолмаганда; Форс-мажор ҳолатлари вужудга келганда; Ўзаро икки томон келишуви асосида.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОҲИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«БАЖАРУВЧИ»

ХОВОС ТЙФУК

Зилол Янгиер МЧЖ

Манзил: .Янгиер ш. Саноат ҳудуди

Манзил: Янгиер ш А.Салимов 7/1

х/р: 20 210 000 600 207 789 001

х/р: 2020 8000 700 689 138 001

АТБ Хамкор банк Гулистан ш.фил.

АТБ Хамкор банк Гулистан ш.фил.

МФО 01118

ИНН 201168536

МФО 01118 ИНН 304 324 487

ОКЭД 42110

ОКЭД

Директор:

Ш.Шеркулов

Рахбар:

А.Усеинов

ҲУҚУҚИЙ ҲУЛОСА

Ўзаро тузилаётган шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради, шартнома шартлари, хусусан тарафларнинг мажбуриятлари, кафолатлари, ишларнинг бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб ва тўловлар, ишлаб чиқариш,форс-мажор, тугалланган ишларни қабул қилиш ҳолатлари, шартномани бекор қилиш ҳамда тарафларнинг мулкий жавобгарлик асослари, нисбони ҳал қилиш тартиби ва якуний талаблар Фуқаролик кодекси 24,37 боблари ҳамда юқорида қайд этилган Қонун ва қарор талабларига мос келади, шартнома тузувчи шахслар шартномани имзолаш ҳуқуқига эга, шартномани имзоласа бўлади.

Ҳуқуқшунос :

И. Сафаров